

RESULTS OF THE PRODUCTION TEST OF THE IMPROVED COTTON REGENERATOR

Abidova Anora Rustam kizi

JSC "pakhtasanoat scientific center"

ANNOTATION


Before conducting experimental test work, the UXK system and the technological slits of the 1rx regenerator were fully adjusted according to the requirements of the current regulation [1].

Регенераторнинг тажриба синов ишларини шикозида Ан-Баяут 2 селекция навли, I-саноат навининг дастлабки ифлослиги 7,5 % ли, намлиги 9,2% ли, IV- саноат навининг ифлослиги 12,2% ли ва намлиги 11,8 % ли пахталарда ўтказилди. Солиштирув тажриба синовларни бажаришда I-саноат навидан 4550 кг дан 4600 кг оралиғидаги пахталарни тортиб олинди, бунда UXK оқимли тозалагичларидан сўнг пахта хомашёсининг ифлослик даражаси 0,9-1,0 % оралиғида эканлиги, UXK йирик ифлосликлардан тозалаш машиналаридан чиқинди лентасига тушаётган чиқинди таркибидаги пахта бўлаклар миқдори 14,6 % эканлиги лабораторияда аниқланди.


Ҳар бир тажриба вариантларидан сўнг регенератордан ажралган чиқиндиларнинг умумий массаси тортилди ва лаборатория шароитида чиқинди таркибидаги пахта бўлакларини миқдорини аниқлашни амалдаги [2] услубият бўйича амалга оширилди.

IV-саноат навли пахталарда тажриба синов ишларини амалга ошириш учун корхонага қабул қилинган кичик партиялардан 4680 кгдан 4850 кг гача пахтани торозида тортилди. Уни ифлосликлардан тозалаш UXK оқимли тизимидан сўнг пахтанинг ифлослик даражаси 1,5-1,8 % ни ташкил этди. Тозалагичлардан ажралаётган чиқинди таркибида 18,5 % миқдорда чигитли пахта бўлаклари мавжудлиги аниқланди.

Тажриба натижаларини гистограмма шаклида 1-2-расмларда берилди.



1-расм. Регенератордан ажралаётган чикинди таркибидаги пахта бўлаклари миқдорининг ўзгариши.



2-расм. Регенераторнинг такомиллаштирилишидан регенерация ва тозалаш самарадорликларининг ўзгариши.

Юқоридаги 1-расмдан регенератордан ажралаётган чиқинди таркибидаги пахта бўлаклари миқдорининг ўзгаришида такомиллаштирилган конструкцияда регенераторлардан ажралаётган чиқиндида пахта бўлақларининг миқдори амалдагисидан I-саноат навида 1,0% га камайган, дастлабки пахта миқдorigа нисбатан 0,06 % га камайган бўлиб, IV-саноат навида эса пахта бўлаклари 0,9 % ва дастлабки пахтага нисбатан 0,08 % га камайишига эришилди. Такومиллаштирилган регенераторнинг регенерация самараси I-саноат навида амалдагисидан 3,3 % га юқори бўлса, IV-саноат навида 7,4 % га юқори эканлиги аниқланди, шу каби тозалаш самарадорликлари ҳам навлари бўйича 6,7 % ва 8,2 % га юқори эканлигини кўришимиз мумкин 2-расм.

Такомиллаштирилган регенераторни ишлаб чиқаришга жорий этилишидан регенерацияланган пахталардан олинадиган тола маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари амалдагисига нисбатан 0,2 % га яхшиланишидан мавсумда 202,1 млн.сўмлик иқтисодий самара олишга эришилди.

Адабиётлар рўйхати

1. Пахтани дастлабки ишлаш мувофиқлаштирилган технологияси, ПДИ 30-2012, «Узпахтасаноат» уюшмаси, «Рахтасаноат илмий маркази» АО, Ташкент, 2012.-35 в.

2. Сборник инструкции и методик по техническому контролю и оценке качества хлопка-сырца и продукции его переработки в хлопкоочистительной промышленности. Ташкент “Меҳнат” -1992 г. С.311.